

Проект

**IDORALARNING BUYRUQ YOKI QARORI**

**Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш  
тўғрисида  
IHL-1764/22-2**

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг  
БУЙРУҒИ**

**Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Қурул тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон Фармониға мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 26-сон, 275-модда) билан тасдиқланган Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Ўзбекистон Республикаси  
транспорт вазирининг  
2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_-сон  
буйруғига  
ИЛОВА

**Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 78-бандидаги “ногиронлар” деган сўз “ногиронлиги бўлган шахс” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 96-бандидаги “Шахсий қурол, ов ва спорт мақсадларига мўлжалланган қурол” деган сўзлар “Фуқаровий қурол, хизмат қуроли” деган сўзлар билан алмаштирилсин.